

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ГАНДЖАЕВА ЛОЛА АТАНАЗАРОВНА**

**ҚУЙИ АМУДАРЁ ЯРИМҚАТТИҚҚАНОТЛИЛАРИ (НЕТЕРОПТЕРА)  
ФАУНАСИ, МОРФОЛОГИЯСИ ВА ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Ганджаева Лола Атаназаровна**

Қуйи Амударё яримқаттиққанотлилари (Heteroptera) фаунаси,  
морфологияси ва экологик хусусиятлари..... 3

**Ганджаева Лола Атаназаровна**

Фауна, морфология и экологические особенности полужесткокрылых  
(Heteroptera) Нижней Амударьи..... 27

**Gandjaeva Lola Atanazarovna**

Fauna, morphology and ecology of the True Bugs (Heteroptera) in the  
territory of the Lower Amu Darya River..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ГАНДЖАЕВА ЛОЛА АТАНАЗАРОВНА**

**ҚУЙИ АМУДАРЁ ЯРИМҚАТТИҚҚАНОТЛИЛАРИ (НЕТЕРОПТЕРА)  
ФАУНАСИ, МОРФОЛОГИЯСИ ВА ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/B120 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Хоразм Маъмун академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Абдуллаев Икрам Искандарович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кожевникова Алевтина Григорьевна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Медетов Махсетбай Жапакович**  
биология фанлари доктори

**Хусанов Алижон Каримович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.в.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» декабрь куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй, Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 42 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232<sup>б</sup>-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «7» декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил «7» декабрдаги 13- рақамли реестр баённомаси)

**Д.А.Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор, академик

**Г.С.Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**А.Э.Кучбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида антропоген омилларнинг жадаллашуви ва табиий ландшафтларнинг ўзгариши яримқаттиққанотли ҳашаротларнинг хилма-хиллигини камайишига олиб келмоқда. Айниқса, агроценозларда бу ҳолат антропоген омиллар ва кимёвий препаратларнинг сурункали қўлланилиши оқибатида энтомофаунанинг хилма-хиллигини қисқаришига олиб келмоқда. Шунга кўра, яримқаттиққанотлиларнинг фаунаси, морфологияси ва биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда зараркунанда турларига қарши кураш чора тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Жаҳонда яримқаттиққанотлиларни тур таркибини аниқлаш, биологик хилма-хиллигини сақлаш ва уларнинг зарар келтириш даражасини баҳолаш ҳамда заракунанда турларига қарши уйғунлашган кураш чораларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, иқлим омилларининг яримқаттиққанотлилар ҳашаротлар популяциясига таъсири аниқланди, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтирувчи турларнинг зарари баҳоланди ва ҳар хил қитъаларда зараркунандаларга қарши курашишда, уларнинг худудий шароитларидан келиб чиқиб, самарали чора тадбирлари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қандалаларнинг хилма-хиллигини аниқлаш ва уларнинг экологик, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, яримқаттиққанотли ҳашаротларнинг худудлар кесимида муҳим турларнинг таксономик таркиби аниқланди, экологияси ва хўжалик аҳамияти очиб берилди ҳамда доминант зараркунанда турларига қарши кимёвий кураш чоралари такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «... экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда ҳашаротларнинг халқ хўжалиги объектларига таъсирини олдини олиш усулларини такомиллаштириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, республикамизнинг шимолий худудларида яримқаттиққанотли ҳашаротларнинг тур таркиби ва таксономик структурасини ўрганиш, биоэкологик хусусиятлари ўрганиш, инвазив турларини аниқлаш ва уларга қарши кураш чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3256-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Зоология институти фаолиятини ташкил етиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4861-сон «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сон «2019-2028 йиллар даврида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 31 майдаги 405-сонли «Қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтларнинг тарқалиш майдонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги қарори ва 2018 йил 7 ноябрда 914-сон «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларини амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Дунё миқёсида яримқаттиққанотлиларнинг таксономик таркибини, биологик ва экологик хусусиятларини ўрганишга, шунингдек, турли популяцияларда тарқалишини ва уларнинг зараркундалик ролини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий талим муассасалари, жумладан: АҚШ нинг Флорида Университети ва Калифорния Университети; Канаданинг Британия Колумбия Университети; Россиянинг Санкт-Петербург Университети ва Воронеж Давлат Университети; Япониянинг Токио Университети ва Токио Қишлоқ Хўжалиги Университети; Эроннинг Ислом Озод Университети; Кореянинг Чунгнам Миллий Университети (CNU); Амстердамнинг Нидерландия Энтомологик Жамияти; Буюк Британиянинг Гринвич университети; Польшанинг Ополский Университетлари ва Ўзбекистоннинг Зоология институтида олиб борилмоқда.

Яримқаттиққанотлиларнинг таксономияси, морфологияси, биоэкологияси, зогеографияси, ва зарари ҳамда уларга қарши кураш масаласига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: яримқаттиққанотлиларнинг хўжалик аҳамияти аниқланган (California State University, USA), шимолий худудларда тарқалган яримқаттиққанотлиларнинг биологик хусусиятлари аниқланган (University of British Columbia), яримқаттиққанотлиларнинг зарари ва тарқалиши аниқланган (University of Florida, USA), зараркунда яримқаттиққанотлиларга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилган (University of Florida, USA), яримқаттиққанотлиларнинг ривожланишида метаболизм (University of Tokyo, Япония) ва диапауза даврининг роли ҳамда температуранинг таъсири аниқланган (Санкт-Петербург Университети ва Воронеж Давлат Университети, Россия).

---

<sup>2</sup>Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [researchget.com](http://www.researchget.com), <http://www.fundamental-research.ru>, [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда яримқаттиққанотлиларга қарши кураш ва улар зарарини бартараф этиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: яримқаттиққанотлиларга қарши курашда янги, атроф муҳит учун зарарсиз ва юқори самарали кимёвий препаратларни излаш ва уларни уларни қўллашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш; яримқаттиққанотлилар миқдорини бошқаришда биологик препаратларни такомиллаштириш ва зараркунандалар томонидан зарарланиш ҳолатини доимий назарот қилувчи тизим ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Яримқаттиққанотлиларнинг фаунасини, тарқалишини ва трофик алоқаларини ўрганиш борасида хорижий олимлар, жумладан В.Ф.Ошанин, В.Е.Яковлев, Г.Я.Бей-Биенко, И.М.Кержнер, К.К.Фасулати, В.Б.Голуб, Н.В.Голуб, Д.А.Гапон, S.Yu, Y.Wang, D.R.Edei, Q.Xie, W.Bu, W.Y.Yang, X.T.Tang, T.Ishiwatari, L.Hoberlandt ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Республикамизда асосий тадқиқотлар В.В.Яхонтов, Р.А.Алимджанов, П.Туйчиев, А.Ш.Хамраев, А.Ўриновлар томонидан Республиканинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё ва Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари олиб борилган ва Қорақалпоғистоннинг жанубида қишлоқ хўжалиги экинларига етказилган зарари аниқланган.

Яримқаттиққанотлиларни ўрганиш борасида республикамизнинг айрим ҳудудларида Е.Мейрманов, Е.М.Соболева, Р.О.Очилов, К.Бобобеков, А.У.Сагдуллаев, А.А.Нуржанов, Ш.Т.Хўжаев, Б.Р.Холматов, Н.Р.Саттаров, Ш.А.Халиллаев, Г.Мирзаева, З.Ю.Ахмедова, М.Х.Хашимова, Д.Б.Даминова, Д.М.Мусаев каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ юқоридаги илмий изланишлар Қуйи Амударё ҳудудида олиб борилмаган, шунга кўра, қандалалар фаунасини самарали ўрганиш ва уларнинг зарар етказадиган турларига қарши уйғунлашган кураш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТД-9-48 “Зараркунанда ҳашаротлар экологик мониторинги ва миқдорини олдиндан аниқлаш ва бошқаришнинг замонавий тизимини ишлаб чиқиш” (2010-2013) мавзусидаги илмий амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қуйи Амударё ҳудудида учрайдиган яримқаттиққанотлиларнинг фаунаси, морфологияси ва биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда зарарли турларига қарши кураш чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қуйи Амударё ҳудудида тупроқда яшовчи қандалаларнинг тур таркибини аниқлаш;

таксономик таркибини таҳлил қилиш ва яримқаттиққанотлилар фаунасининг доминант гуруҳларини аниқлаш;

яримқаттиққанотлиларнинг фаунасини биотопик ва зоогеографик тарқалишини таҳлил қилиш;

яримқаттиққанотлиларнинг морфологик кўрсаткичларини ўрганиш;

яримқаттиққанотлиларнинг экологик гуруҳларини аниқлаш;

экотизимларда яримқаттиққанотлилар турларининг трофик муносабатларини аниқлаш;

яримқаттиққанотлиларнинг ҳаётий шакллари ва циклларини тадқиқи этиш;

яримқаттиққанотлиларнинг фаунасини турли хил экотизимларда қиёсий таҳлил қилиш, ҳамда уларнинг хўжалик аҳамиятини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қуйи Амударё худудидаги яримқаттиққанотлиларнинг фаунаси турлар таркиби олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Тупроқда яшовчи қандалаларнинг географик худудлари ва экотизимлари, биоэкологик хусусиятлари, шунингдек уларнинг хўжалик аҳамияти ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда энтомологик, морфологик, биометрик, фенологик, статистик тадқиқотлар усуллари ва қиёсий таҳлил усуллари лаборатория ва дала шароитида қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қуйи Амударё худудида тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлилар (*Heteroptera*) экологик - фаунистик гуруҳлари аниқланган;

тупроқда яшовчи қандалаларнинг тур таркиби аниқланиб, илк бор Хоразм вилояти фаунаси учун 39 тури, Қорақалпоғистон Республикаси учун 87 тури, Ўзбекистон фаунаси учун эса 3 тури (*Heterocapillus tigripes* (Meyer & Dur, 1852), *Macrotylus herrichi* (Reuter, 1873), *Eurydema wilkinsi* (Distant, 1879)) қайд этилган;

яримқаттиққанотлиларнинг морфологик кўрсаткичлари, трофик муносабатлари, ҳаётий шакллари ва цикллари очиб берилган;

турли хил экотизимларда яримқаттиққанотлиларнинг фаунаси қиёсий таҳлил қилинган ва экологик аҳамиятини асосланган;

карамгулдошлар қандалаларининг зарарли хусусияти аниқланиб, уларга қарши паразит тухумхўр *Trissolcus* (Ashmead, 1893) авлодини қўллаш орқали биологик кураш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шимолий-ғарбий Ўзбекистон шароитида яримқаттиққанотлиларнинг таксономик каталоги ишлаб чиқилган;

Амрелл 600 60% эм.к. ва Агрофос Экстра 60% эм.к. кимёвий препаратини гектарига 0,2-1,0 литр сарф-меъёрида қўллаш орқали биологик самарадорлиги 85-92,4% исботланган;

карамгулдошлар қандалаларининг зарарли хусусияти аниқланиб, уларга қарши паразит тухумхўр *Trissolcus* (Ashmead, 1893) авлодини қўллаш орқали биологик кураш усуллари ишлаб чиқилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари морфометрик маълумотларни вариацион-статистик қайта ишлаш дала ва лаборатория усулларидадан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий тадқиқот натижаларини амалий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, экспериментал натижаларни маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, мутахассисларнинг ижобий баҳоси ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинганлиги билан тасдиқланади, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий анжуманларда қилинган маърузалар натижаларнинг ишончлигини исботлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг яримқаттиққанотлиларнинг фаунаси тўлиқ таҳлил қилинганлиги ва минтақалар фаунаси учун янги турларни рўйхатга олинганлиги, яримқаттиққанотлиларнинг морфологияси, экологиясини ўрганиш асосида қандалаларнинг тарқалиши, шунингдек турли биотопларда турларнинг хилма-хиллиги илмий томондан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қуйи Амударё ҳудудида яримқаттиққанотлиларнинг тур таркиби аниқланганлиги, шунингдек маълумотлар базаси ишлаб чиқилганлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунанда турларига қарши курашиш учун чора-тадбирлари таклиф этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қуйи Амударё яримқаттиққанотлилари (Heteroptera) фаунаси, морфологияси ва экологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қуйи Амударё ҳудудида тарқалган яримқаттиққанотлиларнинг (Heteroptera) 2 кенжа туркум 89 авлодга тегишли 149 турига мансуб 180 нусха ҳашарот намуналари республикада етакчи бўлган Зоология институти “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 5 апрелдаги 4/1255-1000-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар яримқаттиққанотлиларнинг фондини бойитган ва қандалалар турлари хилма-хиллигини аниқлаш ва турларини систематик таҳлил қилиш имконини берган;

крестгулдошлар қандалаларига қарши биологик кураш чоралари бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги азирлигининг 2021 йил 13 апрелдаги 02/025-1584-сон маълумотномаси). Натижада, паразит тухумхўрларнинг *Trissolcus* (Ashmead, 1893) авлодини карамгулдошлар қандалаларига қарши қўллашда зараркунанда қандалаларнинг сонини 85% гача камайтириш имконини берган;

зараркунанда қандалаларга қарши кимёвий кураш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ нинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси амалиётга жорий қилинган (“Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 2021

йил 26 мартдаги 02-13/158-сон маълумотномаси). Натижада, Амрелл 600 60% эм.к. ва Агрофос Экстра 60% эм.к. кимёвий препаратини гектарига 0,2-1,0 литр сарф-меъёрида қўллаш орқали биологик самарадорлиги 85-92,4% эришилган ҳамда мевали дарахтларда 3-4 центнер қўшимча ҳосил олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ҳар йили Хоразм Маъмун академиясининг махсус комиссияси томонидан синовдан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, шунингдек академиянинг илмий кенгашида ҳам муҳокама қилинди. Тадқиқот натижалари маърузалар шаклида тақдим этилган ва 44 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Яримқаттиққанотлиларнинг фаунаси ва экологиясини ўрганилиш тарихи»** деб номланган биринчи бобида яримқаттиққанотлиларнинг фаунаси, тарқалиши ва биоэкологик ҳамда уларнинг иқтисодий аҳамияти бўйича адабиётлар шарҳи баён этилган. Хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу ерда яримқаттиққанотлиларни комплекс ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, уларга қарши курашда уларнинг хатти-ҳаракатлари, шунингдек, жаҳон амалиётида олиб борилган тадқиқотларнинг ҳолати ва муаммолари мавжуд.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи келтирилган.

Яримқаттиққанотлилар туркумининг тур таркиби ва ривожланишини аниқлаш ҳамда уларнинг экологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар давомида материаллар мунтазам равишда йиғиб олинган ва таҳлил қилинган. Яримқаттиққанотлиларнинг йиғилган намуналарини географик ўрни 1-расмда келтирилган.



**Расм. 1. Йиғилган намуналарнинг географик ўрни**

Қуйи Амударё ҳудудида, Хоразм ва Қорақалпоғистон минтақаларида яримқаттиққанотлиларнинг тур таркиби ва биоэкологиясини аниқлашга қаратилган дала ва экспериментал тадқиқот ишлари 2007-2020 йиллар давомида Хоразм Маъмун академиясида олиб борилган.

Тадқиқот ишлари Хоразм вилоятининг Урганч туманида жойлашган "Одилбек", "Амир Темур", "Гулрухбегим" ва "Олтин Калъа" фермер хўжаликларида, Янгибозор туманидаги "Дилдора Божимон", "Бўз Ос Ёл" фермер хўжаликларида ва УрДУ нинг ўқув тажриба майдонида, Қўшқўпир туманидаги "Зироат-21", Хива туманидаги "Рахимберган хожи анбар" фермер хўжалигида, Хонқа туманидаги "Отабек гарчак" ва "Гулқанд Истикболли боғи" фермер хўжаликларида ҳамда табиий ландшафтларда, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг Эликқалъа туманидаги "Зарипбой", "Қилчиноқ" ва "Янгиер" фермер хўжаликларида ва Беруний туманининг "Бадай тўқай" қўриқхонасида, Коратоғ ҳудудларида олиб борилган.

Тадқиқот ишлари даврида яримқаттиққанотлиларнинг 4154 намунаси тўпланди ва ўрганилди.

Дала кузатувлари учун турли хил агроценозлар танланган: буғдой ("Кума", "Асп" ва "Гром" навлари), пахта ("Хоразм 127", "Хоразм 150", "Мехнат"), карам ("Июнь" ва "Ўзбек судяси"), беда ("Хива", "Хоразм 2"), мевали дарахтлар: олма ("Гранит", "Голден", "Скарлет"), нок ("Санта", "Мария") ва табиий ландшафтлар: туқай дарахтлари (терак (*Populus*), туранга (*Turanga*), Жийда (*Elaeagnus*)) ва буталар.

Яримқаттиққанотлилар томонидан ўсимликка етказилган зарар турли хил агробиоценозларда бевосита кузатувлар натижасида аниқланди.

Яримқаттиққанотлиларни йиғиш ва фаунасини, морфологиясини ва экологиясини ўрганиш умумий қабул қилинган усуллар бўйича амалга оширилган: А.Н.Кириченко (1957); Г.Н.Горностаев (1970); М.А.Козлов, Е.М.Нинбург (1971, 1981); В.Б.Голуб, Д.А.Колесова, Ю.Б. Шуровенков, А.А.Эльчибоев (1980); С.А.Кулик (1978); В.Б.Голуб, М.Н.Цуриков, А.А.Прокин (2012). Яримқаттиққанотлилар қуйидаги илмий ишларда тўпланган идентификация калитлари ёрдамида аниқланган: В.Г.Пучков (1965); И.М.Кержнер (1962, 1964); В.Б.Голуб (1996), шунингдек қўл лупаси ва 40 марта катталаштиришда бинокуляр лупа ёрдамида аниқланган.

Турларнинг таксономияси ва латин номлари «СССР нинг Европа қисмидаги хашаротлар аниқлагичи» Г.Я.Бей-Биенко (1970) бўйича аниқланган; бундан ташқари, баъзи бир турларни трофик муносабатларини ва экологик - морфологик хусусиятларини ўрганишда энтомологик сайтлардан фойдаланилган.


Турларнинг географик тарқалиши тўғрисида маълумотлар Палеарктика минтақасининг бир нечта каталогларидан ва Россиянинг Осиё қисмидаги яримқаттиққанотлилар каталогидан олинган.

Қандалаларнинг трофик муносабатларини таҳлил қилиш А.Ш.Хамраев, А.Кучкаров (2000); В.Я.Исмоилов, И.С.Агасева, Е.В.Федоренко, М.В.Нефедова (2014); А.А.Гаивас, А.П.Клинг, А.В.Ворожишев, О.С.Смирнова (2017 - 2019); А.М.Kouassi, S.M.Ouali-N'goran, E.N.Akessé, P.G.Ehounou, Y.R.Soro, A.Coulibaly (2019) маълумотлари бўйича ва ўсимликлардаги ўз кузатувларимиз асосида амалга оширилган.

Яримқаттиққанотлиларнинг учраш даражаси Р.Дажоз (R.Dajoz (2000)) формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилган ( $F (\%) = 100 \times (P_i / P)$ ); тур сонининг динамикаси икки усул билан: А.Заиме ва Ж.Ю.Готьер (A.Zaïme and J.Y.Gautier (1989)) ( $Ar (\%) = 100 \times (N_i / N)$ ); К.К.Фасулати формуласига мувофиқ (1971) ( $P=100n/N$ ); морфологик хусусиятларини статистик таҳлил қилишда Стьюдент тест ( $t_{st} = (M_1 - M_2) / (\sqrt{m_1 + m_2})$ ) формуласи орқали турли хил экологик шароитлардаги *Nabis fesus* (Linnaeus, 1758) ва *Nabis rugosus* (Linnaeus, 1758) йиртқич турлари мисолида олиб борилган, эртаги ва кечки карам ўсимликларида қандалаларнинг зарар бериш коэффициенти Г.М.Ярославцев, А.И.Карпова, А.В.Виржиковская, П.Н.Галахов формуласи бўйича аниқланган ва биологик самарадорликни аниқлаш учун Абботт ( $C = (A-B)/A100\%$ ) формуласидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Қуйи Амударё худудида яримқаттиққанотлиларнинг фаунаси ва биотопада тақсимланиши» деб номланган учинчи боби тўртта булимдан иборат бўлиб, яримқаттиққанотлилар фаунасининг таксономик, зоогеографик ва биотопик таҳлили тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот натижасида, Қуйи Амударё худудида тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлилар фаунасининг 2 инфратуркум, 8 катта оила, 17 оила, 33 кенжа оила, 35 триба, 89 авлод, 20 кенжа авлодга мансуб 149 тур аниқланди (2-расм).




2-расм. Инфратуркум бўйича турлар сонининг тақсимланиши

Тадқиқот натижасида, илк бор Ўзбекистон фаунаси учун *Heterocapillus* (Wagner, 1960), *Macrotylus* (Fieber, 1858), *Eurydema* (Laptore 1833) авлодга мансуб 3 тур: *Heterocapillus tigripes* (Meyer & Dur, 1852), *Macrotylus herrichi* (Reuter, 1873), *Eurydema wilkinsi* (Distant, 1879) ва 39 тур Хоразм вилояти учун, ҳамда 87 тур Қорақалпоғистон Республикаси учун илк бор аниқланди.

Таксономик таркибига кўра, энг хилма-хил ва тур сони жиҳатидан кўп бўлган оилаларни қуйидагилар: Miridae 20 авлодга мансуб 37 тур (21,59 – 24,16%), Pentatomidae 15 авлодга мансуб 28 тур (17,05 – 18,79%), Reduvidae 7 авлодга мансуб 15 тур (7,95 – 10,07%) ва Rhopalidae 7 авлодга мансуб 10 тур (7,95 – 6,71%) ни ташкил қилади. Турлар сони бўйича, улардан сезиларли даражада пастроқ кўрсаткичга эга оилалар: Coreidae ва Cydnidae 6 авлодга мансуб 6 турни (6,82 – 4,03%), Lygaeidae 5 авлодга мансуб 6 турни (5,68 – 4,70%) ва Rhyparochromidae 5 авлодга мансуб 8 турни (5,68 – 5,37%) ташкил қилади. Тур сони жиҳатидан анча паст кўрсаткичга эга: Tingidae оиласи 3 авлодга мансуб 3 тури (3,41 - 2,01%), Geocoridae 3 авлодга мансуб 9 тури (3,41 – 6,04%), Nabidae 2 авлодга мансуб 7 тури (2,27 - 4,70%), Anthocoridae 2 авлодга мансуб 4 тури (2,27 – 2,68%) ва Scutelleridae оиласи 2 авлодга мансуб 3 тури (2,27 - 2,01%) ташкил этиши аниқланди. Қолган оилалар: Alydidae, Stenoccephalidae, Artheneidae, Pyrrhocoridae фақат 1-2 тур ва авлодни ташкил

қилиши ифодаланади ва уларнинг бошқа оилаларга нисбатан фаунадаги улуши 2,27 фоиздан ошмайди.

Турлар сонининг оилалар бўйича тақсимланиши ва уларнинг фаунадаги % нисбати 3-расмда келтирилган.



**3-расм. Оилалар бўйича турлар сонининг тақсимланиши**

Маълумотларга кўра, ўрганилган турлар 13 типдаги секториал ареалга, 28 минтақавий гуруҳга эга бўлган ареалга мансуб эканлиги аниқланди. Қуйи Амударё ҳудудидаги яримқаттиққанотлилар турларини асосий қисми ареал бўйича 4 гуруҳга мансуб: кенг тарқалган, голарктик, палаеарктик ва эндемик турлардан иборат (1-жадвал ва 4-расм).

**1-жадвал.**


**Яримқаттиққанотлилар турларини ареал типлари бўйича тақсимланиши**

Ареал типлари	Секториал ареал типлари ва минтақавий ареал гуруҳлари	Турлар сони	% да
Кенг тарқалган гуруҳ	Космополит	1	0,67
Голарктик гуруҳ	Транспалеарктик	9	6,04
	а) Тропик минтақадан ташқари ва неарктик	3	2,01
	б) Бореал-субтропик и неарктик	3	2,01
	в) Бореал-субтропик	2	1,34
	г) Бореал- суббореал	1	0,67
	Панконтинентал	1	0,67
	а) Тропик минтақадан ташқари	1	0,67

1-жадвал давоми.

Палеарктик гуруҳ	<b>Эфиопия - Транспалеарктик – Гарбий</b>	<b>2</b>	<b>1,34</b>
	<b>Транспалеарктик</b>	<b>16</b>	<b>10,74</b>
	а) Тропик минтақадан ташқари	1	0,67
	б) Арктик	3	2,01
	в) Бореал	2	1,34
	г) Бореал-субтропик	9	6,04
	д) Бореал-суббореал	1	0,67
	<b>Суператлантик</b>	<b>28</b>	<b>18,79</b>
	а) Аркти-суббореал	7	4,70
	б) Бореал-суббореал	1	0,67
	в) Бореал-субтропик	7	4,70
	г) Суббореал	8	5,37
	д) Суббореал-субтропик	2	1,34
	е) Жанубий	3	2,01
	<b>Гарбий</b>	<b>13</b>	<b>8,05</b>
	а) Бореал	2	1,34
	б) Бореал-субтропик	5	3,36
	в) Бореал-суббореал	2	1,34
	г) Суббореал	3	2,01
	д) Жанубий	1	0,67
	<b>Панатлантик</b>	<b>4</b>	<b>2,68</b>
	а) Бореал-субтропик	2	1,34
	б) Бореал - суббореал	1	0,67
	в) Суббореал-субтропик	1	0,67
	<b>Панконтинентал</b>	<b>10</b>	<b>6,71</b>
	а) Шимолий	1	0,67
	б) Бореал-субтропик	5	3,36
	в) Суббореал	1	0,67
	г) Суббореал-субтропик	1	0,67
	д) Жанубий	2	1,34
	<b>Тор континентал</b>	<b>2</b>	<b>1,34</b>
	а) Шарқий-Ўрта ер денгизи-гобий	1	0,67
	б) Ўрта ер денгизи-Эрон-Турон	1	0,67
	<b>Шимолийсетий</b>	<b>12</b>	<b>8,05</b>
	а) Транскиф	1	0,67
	б) Гарбийскиф	3	2,01
	в) Шарқийскиф	8	5,37
	<b>Тетий-сибир</b>	<b>38</b>	<b>25,50</b>
	а) Гарбийскиф-сахро-гобий	1	0,67
	б) Европа - Ўрта ер денгизи - турон	10	6,71
	в) Эрон-турон-гобий	4	2,68
	г) Эрон-турон	15	10,07
	д) Казак-эрон-турон	6	4,03
е) Тетис-эфиопия	2	1,34	
Эндемик	<b>Эндемик турлар</b>	<b>13</b>	<b>8,72</b>
	<b>1.</b> Хитой ва Ўрта Осиё	2	1,34
	<b>2.</b> Хитой ва Эрон – Ўрта Осиё	1	0,67
	<b>3.</b> Туркестон-шимолийтурон	6	4,03
	<b>4.</b> Эрон-турон-Ўрта Осиё	3	2,01
	<b>5.</b> Турон	1	0,67
<b>жами:</b>		<b>149</b>	<b>100</b>

Қуйи Амударё фаунасининг турларни кўп қисми Палеарктик ареалнинг Тетий-Сибир типдаги ареалларга 38 (25,50%) мансуб турларга эга бўлган гуруҳларига киради.



**4- расм. Ареаллар бўйича турлар сонининг тақсимланиши**

Уларнинг 15 (10,07%) тури Эрон-Турон минтақалари ва 10 (6,71%) тури Евро-Ўрта ер денгизи-Турон минтақаларига мансуб. Суператлантик типдаги ареалларга 28 (18,79%) тур мансуб, шулардан 8 тур (5,37%) суббореал, 7 тур (4,70%) суббореал - субтропик турлардир.

Голарктик ареалга 10 (6,71%) тур мансуб. Эндемик турлар эса турли хил генезисларга мансуб 13 (8,72%) турни ташкил қилади ва бу турлар Қуйи Амударё ҳудудига Хитой ва Эрондан кириб келган. Космополит турлар жуда кам турни ташкил этиб, голарктикадан ташқарида жойлашган 1 (0,67%) турни ўз ичига олган.


Биотопларда учраш спектрига кўра, яримқаттиққанотлилар Қуйи Амударё ҳудудида 9 хил типдаги турли хил объектларда қайд этилган (5-расм).

Кўпчилик турлар ўрмонлар ва қирғоқларнинг чеккаларида, ўтлоқларда, ўрмонзорларда ва бошқа шунга ўхшаш биотопларда, турли хил дашт ва тоғ олди зоналарида жойлашган турли хил мезофит биотопларда аниқланди ва бу биотоплар энг кўп 47 (31,54%) турни ташкил этди, турларнинг хилма-хиллиги бўйича кейинги биотоп қуруқ мезо-ксерофит биотопларда жойлашган, қуёш нури билан яхши исийдиган ва бошқа очик биотоплар томонидан тоғларнинг қуруқ жинслари бўйлаб ва ярим чўлларда, даштларда яхши исийдиган биотоплар бўлиб, бу зонадаги турлар сони 29 (19,46%) турни ташкил этди, чўл зонасидаги ксерофит биотопларда, тоғ ён



бағирларида, дашт шўр биотопларда эса турлар сони 24 (16,11%) турни ташкил этди.

Дашт ва ярим чўл мезофит биотопларда турлар сони 12 (8,05%) турни, нам мезо-ксерофит биотоплар зонасида 11 (7,38%) тур яшайди, очик курук ксерофит биотопларда турлар сони 10 (6,71%) турни ташкил этди.



### 5-расм. Тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг ҳар хил биотопларда тақсимланиши

Турларнинг кам сони ўрмонзорлардаги мезофит биотопларида бўлиб, улар 8 (5,37%) турга мансуб ва қуёш нури билан яхши исийдиган биотопларда турлар сони 5 (3,36%) турни ташкил этган.

Энг кам тур мезо-ксерофит биотопларда қайд этилган бўлиб, 3 (2,01%) турни ташкил этган. Умуман олганда, барча турдаги биотопларда турларнинг ярмидан кўпи намлик яхши бўлган жойларни афзал кўришади. Шунинг учун, турли хил мезофит биотоплар гуруҳида ушбу турларнинг нисбати кўпроқ, турлар ўрмонлар ва қирғоқларнинг чеккаларида, ўтлоқларда, ўрмон камарларида ва аралаш плантациялардаги бошқа шунга ўхшаш биотопларда ва уларнинг нисбати кўпроқ учрайди. Бошқа мезофит биотопларда дашт, ярим чўл биотопларда ва ўрмон биотопларда турлар сони пастроқ.

Диссертациянинг «**Яримқаттиққанотлиларнинг морфологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида имаго давридаги яримқаттиққанотлиларнинг морфологик хусусиятлари аниқланган ва морфологик кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинган.

Тупроқда яшовчи қандалалар морфологиясида ҳаёт тарзи тупроқда яшашга мослашганлиги кўрсатилган: химоя рангларидаги морфологик адаптациялар, тана шакли, оёқларининг тузилиши, организмларнинг ҳаракатланиш усуллари, овқатланиш ва бошқалар билан ифодаланади.

Ушбу бобда Қуйи Амударё худудида яшовчи 149 тур яримқаттиққанотлиларнинг экологик ва морфологик хусусиятлари келтирилган.

Турларнинг ҳаётий шакллари аниқроқ аниқлаш учун морфологик маълумотлар билан тасдиқлашни талаб қилади, чунки экология ҳар доим ҳайвонларнинг морфологик мослашишини белгилайди. Шу мақсадда, илк маротаба яримқаттиққанотлиларнинг морфологик хусусиятларини солиштириш учун турли хил экологик шароитларда яшовчи йирткич турлар *Nabis ferus* (Linnaeus, 1758) ва *Nabis rugosus* (Linnaeus, 1758) мисолида ўрганилинди. Тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг морфологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида қишлоқ хўжалиги зараркундалар сонини табиий регуляториди асосий рол ўйнайдиган Nabidae оиласининг турлари танланди. Морфометрик белгиларини статистик таҳлил натижалари 2, 3, 4 ва 5-жадвалларда келтирилган.

#### 2-жадвал.

#### *Nabis ferus* (Linnaeus, 1758) турининг морфометрик кўрсаткичлари (Қорақалпоғистон Республикаси)

Морфологик белгилари	Намуна сони	Узунлик, мм	Узунлик фарқи (р), мм	Ўртача кўрсаткич, мм	Ўртача оғишлар квадрати, мм	Вариация коэф-енти, (CV), %	Аҳамиятлилик даражаси, Р
Тана узунлиги	10	7,0-8,2	-1,2	7,6	0,72	0,094	7,14873E-11
Тана индекси	10	4,1-4,5	-0,4	4,3	0,06	0,016	1,99194E-06
Оёқ индекси	10	1,0-1,6	-0,6	1,3	0,20	0,160	1,22685E-12
Сон индекси	10	13,1-13,8	-0,7	13,5	0,22	0,017	7,22667E-11

#### 3-жадвал.

#### *Nabis ferus* (Linnaeus, 1758) турининг морфометрик кўрсаткичлари (Хоразм вилояти)

Морфологик белгилари	Намуна сони	Узунлик, мм	Узунлик фарқи (р), мм	Ўртача кўрсаткич, мм	Ўртача оғишлар квадрати, мм	Вариация коэф-енти, (CV), %	Аҳамиятлилик даражаси, Р
Тана узунлиги	10	7,1-8,3	-1,2	7,7	0,50	0,065	1,86186E-11
Тана индекси	10	4,0-4,8	-0,8	4,4	0,30	0,069	2,11796E-13
Оёқ индекси	10	1,1-1,8	-0,7	1,5	0,20	0,141	6,07968E-10
Сон индекси	10	13,3-14,0	-0,7	13,7	0,21	0,015	1,46473E-07

#### 4-жадвал.

#### *Nabis rugosus* (Linnaeus, 1758) турининг морфометрик кўрсаткичлари (Қорақалпоғистон Республикаси)

Морфологик белгилари	Намуна сони	Узунлик, мм	Узунлик фарқи (р), мм	Ўртача кўрсаткич, мм	Ўртача оғишлар квадрати, мм	Вариация коэф-енти, (CV), %	Аҳамиятлилик даражаси, р
Тана узунлиги	10	6,0-7,0	-1,0	6,5	0,50	0,077	5,55611E-15
Тана индекси	10	3,1-3,5	-0,4	3,3	0,08	0,027	2,39554E-11
Оёқ индекси	10	1,0-1,4	-0,4	1,2	0,09	0,082	2,58973E-12
Сон индекси	10	13,1-13,4	-0,3	13,3	0,04	0,004	0,01125797

**5-жадвал.**

***Nabis rugosus* (Linnaeus, 1758) турининг морфометрик кўрсаткичлари (Хоразм вилояти)**

Морфологик белгилари	Намуна сони	Узунлик, мм	Узунлик фарқи (р), мм	Ўртача кўрсаткич, мм	Ўртача оғишлар квадрати, мм	Вариация коэф-енти, (CV), %	Ахамиятlilik даражаси, Р
Тана узунлиги	10	6,2-7,1	-0,9	6,7	0,39	0,058	9,32052E-12
Тана индекси	10	3,1-3,9	-0,8	3,5	0,30	0,088	2,13958E-16
Оёқ индекси	10	1,2-1,5	-0,3	1,4	0,04	0,031	0,001236861
Сон индекси	10	13,5-13,9	-0,4	13,7	0,09	0,007	0,000172953

Морфологик белгиларини ўлчаш учун *Nabis ferus* ва *Nabis rugosus* турларни 10 намунаси олинган.

Тадқиқотларда икки турда ўрганилинган морфометрик ўлчамлар тана узунлиги бўйича сезиларли фарқлар йўқлигини кўрсатди, қолган ўлчамларда сезиларли фарқлар аниқланди.

Ҳар хил табиий ва географик зоналардаги икки турда морфологик белгилар маълум фарқларга эга. Энг катта ўлчамлар Хоразм вилоятидаги турларда ва энг паст кўрсаткичлар Қорақалпоғистондаги турларда қайд этилганлиги аниқланди. Бу турли хил иқлим шароитлари ва омиллари, шунингдек, ем-хашак базаси билан боғлиқ. Ушбу омилнинг комбинацияси қандалаларнинг морфологик ўлчамларини ошишига олиб келади. Қорақалпоғистонда яшовчи қандалалар нисбатан паст морфологик кўрсаткичларга эга. Бу эса ўсимликларнинг камайишига, ҳароратнинг пасайишига ва натижада ем-хашак базаси ҳажмининг пасайишига олиб келадиган атроф-муҳитнинг экологик омилларининг жуда кучли таъсири билан боғлиқ.


Диссертациянинг «**Яримқаттиққанотлиларнинг биоэкологик хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг экологик гуруҳлари, трофик алоқалари, ҳаётий шакллари ва ҳаётий цикллари тўғрисида маълумотлар кўрсатилган.

Қуйи Амударё ҳудудидаги тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлилар намлик даражаси ҳар хил бўлган биотопларда яшашига қараб, уч гуруҳга бўлинади (6-жадвал, 6-расм).

**6-жадвал.**

**Тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг экологик гуруҳлари**

№	Гуруҳлар	Турлар сони	% да
1.	Мезофил	72	48,32
2.	Мезо-ксерофил	43	28,86
3.	Ксерофил	34	22,82
<b>Жами:</b>		<b>149</b>	<b>100</b>



**6-расм. Намлик даражасига қараб тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг экологик гуруҳлари**

Қуйи Амударё ҳудудида тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг аксарияти мезофиллар, бу турлар 72 турни ёки ўрганилган 149 турнинг 48,32 фоизини ташкил қилади. Турларнинг бу нисбати, Европа ва Осиё фаунасини шимолий-ғарбий Ўзбекистон ҳайвонот дунёсига, асосан мезофил бўлган яримқаттиққанотлиларга кучли таъсир кўрсатганини тасдиқлайди. Шунинг таъкидлаш кераки, Hemiptera фаунаси Марказий Осиёнинг жанубий минтақаларида энг бой ҳисобланади.

Яримқаттиққанотлиларнинг озикланиш спектрига кўра, қуйидаги турлари қайд этилди: полифаглар, кенг олигофаглар, тор олигофаглар, зоофаглар ва зоофитофаглар.


Тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг трофик муносабатлари бўйича тақсимланиши 7-жадвалда, 7-расмда кўрсатилган.

Қуйи Амударё ҳудудида полифаглар миқдор жиҳатидан барча фитофаг турларнинг кўп қисмини ташкил қилади ва улар қуйидаги оилаларга мансуб Miridae (15 тур), Pentatomidae (12 тур), Rhyparochromidae (7 тур), Rhopalidae (6 тур), Lygaeidae (5 тур), Cydnidae (4 тур), ҳамда *Stephanitis pyri*, *Bathysolen nubilus*, *Coriomeris vitticollis*, *Engistus salinus*, *Henestaris halophilus*, *Odontotarsus impictus*, *Odontotarsus angustatus* турлардан ташкил топган.

**7-жадвал.**

**Тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг трофик муносабатлари**

№	Трофик муносабатлари		Турлар сони	% да
1.	Фитофаг	а) полифаг	55	36,9
		б) кенг олигофаг	40	26,8
		в) тор олигофаг	13	8,72
2.	Зоофаг		32	21,48
3.	Зоофитофаг		9	6,04
<b>Жами:</b>			<b>149</b>	<b>100</b>




**7-расм. Тупроқда яшовчи яримқаттиққанотлиларнинг трофик муносабатлари**

Кенг олигофаглар - Pentatomidae ва Miridae, Coreidae, Rhopalidae оиласига мансуб турлар, шунингдек *Monosteira discoidalis*, *Tingis leptochila*, *Camptopus lateralis*, *Megalotomus ornaticeps*, *Oxycarenum pallens*, *Emblethis denticollis*, *Stibaropus hohlbecki*, *Sehirus morio*, *Eurygaster integriceps*.

Топ олигофаглар - Miridae оиласига ва турли хил бошқа оилаларнинг вакилларига мансуб турлар: *Enoplops evermanni*, *Rhopalus distinctus*, *Dicranocephalus marginatus*, *Dicranocephalus ferghanensis*, *Artheneis alutacea*, *Engistus exsanguis*, *Cellobius abdominalis*, *Tarisa elevata*. Зоофаглар – қуйидаги оилаларга мансуб турлар: Anthocoridae, Nabidae, Reduviidae, Geocoridae. Зоофитофаглар - бу ўсимлик ва ҳайвонлар билан озиқланадиган турлар. Ушбу турлар Miridae ва Pyrrhocoridae оилаларига тегишли.

